

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

18-сон
(1090)
2023 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

143. «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 6 майдаги ЎРҚ-838-сон Конституциявий Қонуни

Иккинчи бўлим

144. «Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 апрелдаги ПФ-63-сон Фармони
145. «2023 — 2025 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ахоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 майдаги ПҚ-146-сон қарори

Учинчи бўлим

146. «Давлат олий таълим муассасалари, республикадаги хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари талабаларини моддий ҳамда ижтимоий кўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 майдаги 181-сон қарори

Бешинчи бўлим

147. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 10 апрелдаги 03/15-05/01-сон ва Бosh прокуратура ҳузуридан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 6 апрелдаги 16-сон «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 3 майда рўйхатдан ўtkazildi, rўykhmat raqami 2038-6*)
148. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi direktorining 2023-yil 13-apreldagi 29-mb-son “Yuridik shaxslarni hisobga olish va identifikasiya qilishni avtomatlashtirilgan axborot tizimi “Reg-System”da ishlash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 3-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2594-3*)
149. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 18 апрелдаги 14-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 17 апрелдаги 8-сон «Реабилитация ва мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 4 майда рўйхатдан ўtkazildi, rўykhmat raqami 1050-3*)
150. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 29 апрелдаги 9-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги бўйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 4 майда рўйхатдан ўtkazildi, rўykhmat raqami 3315-1*)
151. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 29 апрелдаги 10-сон «Дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия*

вазирлиги томонидан 2023 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 3430)

152. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 28 мартағи 5-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликтарнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-4)
153. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 18 апрелдаги 8/3-сон «Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3431)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқукий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ҚОНУНИ

143 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари- га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
2 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 4 майда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда сайлов тизимини янада такомиллаштиришга, сайловчиларнинг ва сайлов жараёни иштирокчиларининг хуқукий кафолатларини кучайтиришга, сайлов ва референдум ўтказишининг очиқлиги, шаффоғлиги ҳамда мустақиллигининг хуқукий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов жараёни бўйича бир қатор муаммолар ва хуқукий бўшлиқлар мавжуд бўлиб, шу муносабат билан уларни бартараф этиш зарурияти юзага келди.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг қабул қилиниши амалдаги қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини талаб этмоқда.

Ушбу Конституциявий Қонун билан ҳар йилги маҳаллий бюджетларнинг бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлик харажатларини молиялаштириш, оғир ёки ўта оғир жиноялтлар содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд олиб ташланмаган фуқароларнинг вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияси аъзолигига тайинланишини тақиқлаш назарда тутилмоқда. Сайлов ва референдумда иштирок этишининг ҳамда фуқаролар йигинлари фаолиятининг хуқукий асослари ҳам мустаҳкамланмоқда.

Ушбу Конституциявий Қонун сайлов тизимини такомиллаштиришга, сайлов жараёни иштирокчиларининг хуқукий кафолатларини кучайтиришга, фуқаролар йигинлари фаолиятининг ва референдумда иштирок этишининг хуқукий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қи-

* Ушбу Конституциявий Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 майда эълон қилинган.

линган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги 417—XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265—II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 6, 574-модда, № 10, 983-модда) **6-моддасининг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар референдумда иштирок этиш хукуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг референдумда иштирок этиш хукуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915—XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ—350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 574-модда, № 10, 983-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади»;

2) **8-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимиға кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли»;

3) **10-модда биринчи қисмининг еттинчи ва ўнинчи хатбошлиаридағи, 11-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва еттинчи хатбошиларидағи, 13-модданинг иккинчи қисмидаги ва учинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги, 14-модданинг номидаги, биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, иккинчи ва учинчи қисмларидағи, 15-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидағи, 18-модданинг учинчи қисмидаги, 21-модданинг биринчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларидағи, 22-модданинг биринчи қисмидаги, 23-модданинг номидаги, биринчи ва**

иккинчи қисмларидағи, 24-модданинг номидаги, биринчи қисми-нинг биринчи ва учинчи хатбошиларидағи, 25-модданинг биринчи — тұрткынчи қисмларидағи тегишли сон ва келишикдаги «(оқсоқоли)» деган сөз чиқарып ташлансан.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда) **203-моддасининг биринчи қисмидаги** «(оқсоқоллари)» деган сөз чиқарып ташлансан.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «**Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тұғрисида**» ги 350-II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 60-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 12/1, 344-модда; 2012 йил, № 4, 104-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова) **8-моддасининг матнидаги** «беш» деган сөз «етти» деган сөз билан алмаштирилсін.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган «**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тұғрисида**» ги ЎРҚ-499-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда) қүйидаги ўзгартырышлар кириллесін:

- 1) **номидаги «(оқсоқоли)»** деган сөз чиқарып ташлансан;
- 2) **1-модданинг матнидаги, 2-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 3-модданинг номидаги, биринчи — тұрткынчи қисмларидағи, 4-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 5-модданинг номидаги, биринчи — тұрткынчи қисмларидағи, 6-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 7-модданинг номидаги, биринчи ва иккінчи қисмларидағи, 8-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 9-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 2-бобнинг номидаги, 10-модданинг номидаги, биринчи ва иккінчи қисмларидағи, 10¹-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 11-модданинг номидаги, биринчи қисмидаги, учинчи қисмининг иккінчи, учинчи**,

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларидағи, 12-модданинг номидаги, биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларидағи, 13-модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўқизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошиларидағи, 14-модданинг номидаги, биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидағи, 15-модданинг бешинчи — саккизинчи хатбошиларидағи, 3-бобнинг номидаги, 16-модданинг номидаги, биринчи — тўртинчи қисмларидағи, 17-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидағи, 4-бобнинг номидаги, 18-модданинг номидаги ва тўртинчи қисмидаги, 19-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги, учинчи — олтинчи қисмларидағи, 20-модданинг номидаги ва матнидаги, 21-модданинг биринчи — тўртинчи қисмларидағи, 22-модданинг матнидаги, 23-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги, 24-модданинг номидаги, биринчи ва тўртинчи қисмларидағи, 25-модданинг номидаги, биринчи ва иккинчи қисмларидағи, 26-модданинг номидаги, биринчи ва учинчи қисмларидағи, 27-модданинг номидаги, биринчи қисмининг биринчи, учинчи, тўртинчи хатбошиларидағи ва иккинчи қисмидаги, 28-модданинг номидаги ва матнидаги, 29-модданинг номидаги ва матнидаги, 30-модданинг номидаги ва матнидаги, 31-модданинг номидаги ва матнидаги тегишли сон ва келишкдаги «(оқсоқоли)» деган сўз чиқарib ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ЎРҚ-544-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 6, 327-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова, № 6, 518-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 574-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди»;

2) **13-модда бешинчи қисмининг саккизинчи хатбоши** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқканда»;

3) **14-модда** қўйидаги мазмундаги **ўттиз олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган ўзга ваколатларни амалга оширади»;

4) **25-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25-модда. Вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиясига аъзолик

Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обру-эътибор қозонган фуқаролар вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Кўйидагилар вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиясига аъзоси бўлиши мумкин эмас:

Конунчилик палатаси депутати, маҳаллий Кенгаш депутати, Сенат аъзоси; бошқа сайлов комиссиясининг аъзолари;
сиёсий партияларнинг аъзолари ва ваколатли вакиллари;
вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринbosарлари;

прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари;
номзодлар, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари;
номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар;
оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно.

Сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Конунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзод ёки ишончли вакил этиб рўйхатга олинган аъзоси сайлов комиссияси таркибидан чиқиб кетган деб хисобланади.

Сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари мазкур сайлов комиссиясига тузган орган томонидан бевосита ёхуд уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномасига биноан қўйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ёзма ариза берганда;

у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
унга нисбатан суднинг айблов хукми қонуний кучга кирганда;
у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келганда;
қонунга кўра у сайлов комиссияси аъзосининг ваколатларини амалга ошириш билан бир вақтда шуфулланиб бўлмайдиган лавозимга сайланганда ёки тайнланганда;

у суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан бедарак йўқолган деб топилганда ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда;

у вафот этганда.

Зарур бўлган тақдирда, ушбу Кодексда белгиланган тартибда сайлов комиссиясининг янги аъзоси сайланади»;

5) 36-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Конунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги уларнинг ваколатлари муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, бундан ушбу Кодекснинг 66 ва 74¹-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

6) 60-модданинг:

биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

олтинчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

7) 61-модданинг биринчи қисмидаги «беш» деган сўз «етти» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) 66-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«66-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгари сайлов

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Сенат Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичida, ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаган тақдирда, сайлов ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда икки ой ичida ўтказилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

9) 74-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

10) 13-боб қўйидаги мазмундаги **74¹-модда** билан тўлдирилсин:

«74¹-модда. Конунчилик палатаси депутатларининг муддатидан илгариги сайлови

Конунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

тарқатиб юборилган тақдирда, Конунчилик палатаси депутатларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда уч ой ичидаги ўтказилади.

Конунчилик палатаси томонидан ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Конунчилик палатаси депутатларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда икки ой ичидаги ўтказилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

11) **14-боб** қўйидаги мазмундаги **87¹-модда** билан тўлдирилсин:

«87¹-модда. Сенат аъзоларининг муддатидан илгариги сайлови

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тарқатиб юборилган тақдирда, Сенат аъзоларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда уч ой ичидаги ўтказилади.

Сенат томонидан ўзини ўзи тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Сенат аъзоларининг сайлови ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда бир ой ичидаги ўтказилади»;

12) **93-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайлов тегишли маҳаллий Кенгаш томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Кодекснинг талабларига риоя этилган ҳолда ташкил этилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

13) **93¹-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Янги ташкил этилган маъмурий-худудий бирликда халқ депутатлари вилоят Кенгashi депутатлари сайлови Марказий сайлов комиссияси томонидан, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови эса тегишли халқ депутатлари вилоят Кенгashi томонидан сайлов ўтказилишига камида икки ой қолганида тайинланади ва ушбу Кодекснинг талабларига риоя этилган ҳолда ташкил этилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади»;

14) **98-модда:**

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга, маҳаллий Кенгашларга сайловга, шу жумладан бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳаллий Кенгашларнинг бўшаб қолган депутатлик ўринлари учун сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар хар йили қабул қилинадиган маҳаллий бюджетларнинг харажатлари қисмida назарда тутилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансан.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Фавқулодда ҳолат тўғрисида**»ги ЎРҚ-737-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 12, 1195-модда) **15-моддасининг иккинчи қисмидаги «(оқсоқоллари)»** деган сўз чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштиригин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишила-ри ва бекор қилишларини таъминласин.

10-модда. Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 6 май,
ЎРҚ-838-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

144 Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабари- ни қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида*

Мажбуриятлар бажарилиши таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкка нисбатан кредиторлар хуқуqlари устуворлигини таъминлаш, гаровга қўйилган мол-мулкини аукцион орқали сотиш жараёнларини содда-лаштириш, шунингдек, гаров билан таъминланган мажбуриятларни суддан ташқари тартибда ундириш амалиётини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 июлдан бошлаб:

ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратил-
ганда гаров объектини «E-auksion» электрон савдо платформасида аукционга
кредиторнинг ва (ёки) қарздорнинг буюртмаси асосида қўйишга рухсат этилади;

хисоб-китоб ва кредит муносабатларидан келиб чиқадиган асослар бўйи-
ча қарзни ундириш учун нотариуслардан ижро хати олишда тижорат банклари
олдидаги қарзни икки томонлама тасдиқловчи солишишиш далолатнома-
си талаб этилмайди.

2. Марказий банкнинг гаров билан таъминланган талабларни қаноатлан-
тириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2024 йил 1 январдан
бошлаб қўйидаги тартибларни жорий этиш ҳақидаги таклифлари маъқул-
лансин:

тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари жараёнида кредиторларнинг
гаров билан таъминланган талабларини гаровга қўйилган мол-мулк қиймати-
дан қаноатлантиришда уларга мутлақ устунлик бериш;

гаровга қўйилган мол-мулкни тақорорий аукционда сотиш мумкин бўлган
энг паст нархни аукцион объекти бошланғич нархининг 80 фоизи миқдори-
да белгилаш. Бунда, мол-мулк тақорорий аукционда реализация қилинмаса,
ундирувчига ушбу мол-мулкни аукцион бошланғич нархидан 25 фоиз паст
қийматда ўзида қолдириш таклиф қилинади;

ундирув қаратилган гаровга қўйилган мол-мулкнинг очик кимошди сав-
досида сотилишини гаровга қўювчининг илтимосига асосан кечикирилиши-
га йўл қўйилмаслиги;

қарздорнинг ихтиёрий равишда тугатилиши жараёни бошланиши му-
носабати билан давлат ижрочиси томонидан ижро ишини тамомлаш ҳамда
мол-мулкни тасарруф қилишга доир чекловларни олиб ташлаш амалиётини
бекор қилиши.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2023 йил 2 майда эълон қилинган.

3. Марказий банк уч ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳамда қонун ости ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти са-марадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4071-сон қарорининг 7-бандида:

иккинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансан;

учинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Марказий банк раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 29 апрель,
ПФ-63-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 29 апрелдаги
ПФ-63-сон Фармонига
ИЛОВА

**Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини
янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбиrlар
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	Гаров предметини соликка тортиш механизмини такомиллаштириш.	Норматив-хукукий хужжат лойихаси. Гаров предметини реализация килиш жараёнининг барча иштирокчилари томонидан кўшилган киймат солиғи тўланишини ёки кўшилган киймат солиғини ўзаро хисобга олишни тъминловчи механизмини яратиш.	2023 йил 1 июня кадар	Иктисадий ва молия вазирлиги, Марказий банк, Мажбурий ижро бюроси
2.	Гаров билан таъминланган талабларни қаноатлантириш тизимини такомиллаштириш.	Конун лойихаси. Унда Конунчилик хужжатларига куйидаги ўзгартириш ва кўшимчаларни киритиш назарда тутилади: а) 2024 йил 1 январдан бошлаб: тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари жараённица кредиторларнинг гаров билан тъминланган талабларини гаров кийматидан қаноатлантирища уларга мутлак устунлик берилади; ундирув каратилган гаровга Кўйилган мол- мулкнинг очик кимошли савдосида сотилишини гаровга Кўйовчининг илтимосига асоссан кечикирилишига йўл куйилмайди;	2023 йил июль	Марказий банк, Бош прокуратура

гаров билан таъминланган мажбуриятнинг карздор томонидан бузилиши холатининг жуда арзимас даражада баҳоланиши учун мазкур мажбурият суммаси гаров кийматининг 5 фойзидан ортиқ бўлмаслиги ва мажбурият бажарилишининг кечикиши з ойдан ортиқ бўлмаслиги мезонлари белгиланади;

карздорнинг ихтиёрий равишда тутатилиши жараёни бошланиси муносабати билан давлат ижрочиси томонидан ижро ишини тамомлаш хамда мол-мулкни тасарруф килишга доир чекловларни олиб ташлаш амалиёти бекор килинади;

ундирувчининг реализация килинмаган мол-мулкни ўзида колдириш түғрисидаги карори хакида хабардор килиш муддати давлат ижрочининг таклиф олинган кундан эътиборан ўн иш куни килиб белгиланади;

6) 2025 йил 1 январдан боштаб:

гаров нарсаси хисобланган мол-мулк гаровга кўювчидан жиноят ёки бошқа хукубузарлик содир этганлик учун олиб кўйилса, гаровга олувида ўз талабарини ушбу мол-мулк хисобидан устувор тарзда каноатлантириш хукуки саклаб колинади;

мол-мулкни гаровга олишида бошқа шахс розилиги ёки органнинг руҳсати олинган бўлса, гаровга слувчининг мазкур мол-мулк гарови билан таъминланган талаблари факат суд тартибида каноатлантирилиши тартиби бекор килинади;

ипотекага олувичи талабларини ипотека хисобидан суддан ташкири тартибида каноатлантириш туталлангандан сўнг карздор мажбуриятининг конланмаган кисмини карздорнинг бошқа мол-мулки хисобидан сўндириш хукуки саклаб колинади.

3.	Мажбуриятларни гаровдаги мол-мулк хисобидан сўндириш тизимини соддлаштириш.	Норматив-хукукий хужжат лойихаси. 2024 йил 1 январдан бошлаб гаровга кўйилган мол-мулкни тақорорий аукционда сотиш мумкин бўлган энг паст нарх аукцион объекти бошланғич нархининг 80 фоизи микдорида белгиланади. Агар мол-мулк тақорорий аукционда реализация килинмаса, ундирувчига ушбу мол-мулкни аукцион бошланғич нархидан 25 фоиз паст кийматда ўзидаги колдириш таклиф килинади.	2023 йил июль	Марказий банк, Бош прокуратура
4.	Ўзбекистонда коллекторлик фаолиятини жорий этиш истикболларини ўрганиш.	Тахлилий маълумотнома. Муддатги ўтган карздорликларнинг учинчи шахслар томонидан ундирилишини (коллекторлик фаолиятини) тартибга солиши бўйича илғор хориж амалиёти ва ушбу амалиётини Ўзбекистонда жорий этиш истикболлари, шу жумладан коллекторлик фаолиятини ташкил этиш, муаммоли карздорликларни реализация килиш тартиби, истеммолчилар хукукларини химоя килиш тизими таҳлил килинади.	2023 йил сентябрь	Марказий банк
5.	Ўзбекистонда факторинг фаолиятини ривожлантириш.	Конун лойихаси. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш максадида фактoringни ривожлантиришга каратилган конун лойихаси ишлаб чиқилади.	2023 йил декабрь	Марказий банк
6.	Пул мажбуриятлари бўйича талабарни кондириш навбатини таҳлил килиш.	Тахлилий маълумотнома. Амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаган холатда кредиторнинг караждорлик (ижрони олишга каратилган чикимлар, фоизлар, карзнинг асосий суммаси) бўйича талабарни кондириш навбатига доир амаддаги Конунчилик, хорижий давлатлар тажрибаси хамда тўлов навбатининг тўлов интизомига таъсисири таҳлил килинади.	2023 йил июнь	Марказий банк

<p>7. Кредиторларнинг гаровга кўйилган мол-мулкига нисбатан хукуклари уступорлигини таъминлаш бўйича ягона суд амалиётини кўллаш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар Кредиторларнинг гаровга кўйилган мол-мулкига нисбатан хукуклари уступорлигини таъминлаш, ундирувни гаров нарсастига карагиши амалиёти, конун асосида гаров (ипотека) институтидан амалиётда самарали фойдаланиши, шунингдек, кредитор карздорликни сурурта килиш шартномасига асосан мазкур карздорлик бўйича бошқа тайминот Мавжудлигидан катъи назар сурурга пуллининг тўланиши хакида судларга тегишли тушунтиришлар бериш назарда тутилади.</p>	<p>2023 йил ноябрь</p>	<p>Олий суд, Бош прокуратура</p>	
	<p>8. Кредитор карздорликларни ундиришнинг хар бир боскичини кузатиб бориши имконини берадиган онлайн платформани яратиш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирилиги (ДИХХХ), Кадастр агентлиги, «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиши» АЖ (e-aukcion.uz) ва тижорат банклари хамкорликда электрон ахборот алмасиши (интеграция) онлайн платформасини яратиши кўзда тутилади.</p> <p>Бунда, кредитор томонидан карздорларга нисбатан олиб борилаётган ундирув жараёнининг хар бир боскичини, хусусан, киритилётган даъво аризаларини Савдо-саноат палатаси оркали Электрон расмийлаштириш, суд ва ижро жараёни, карздорларнинг мулкларини аниқлаш ва кидирув ишлари натижалари бўйича киска муддатларда мальумотларни олиш, мулкнинг аукцион савдоларига кўйилшиши ва сотилишини назоратга олиш хамда юзага келадиган муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш имконияти яратилади.</p>	<p>2023 йил октябрь</p>	<p>Раками технологиялар вазирилиги, Олий суд, Ички ишлар вазирилиги, Бош прокуратура, Савдо-саноат палатаси, Солик кўмитаси</p>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

145 2023 — 2025 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Жиззах вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фойдаланилмаётган давлат активлари, мавжуд табиий ресурслар захиралари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидаги ер майдонлари ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қиймат занжирини яратиш, аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида:

1. Қўйидагилар Жиззах вилоятини 2023 — 2025 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

маҳаллаларда ишбилармонлик мухитини яхшилаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларни ишсиэлидан холи худудга айлантириш;

инфратузилмавий шарт-шароитларни яратиб бериш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш;

фойдаланилмаётган давлат активлари ҳамда мавжуд табиий ресурслар захираларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиши орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш.

2. Жиззах вилоятида 2023 йилда ташкил этиладиган янги иш ўринларининг йиғма мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчқоров Жиззах вилояти ҳокими Э.А. Салиев билан биргаликда:

бир ой муддатда 2023 йилда амалга ошириладиган инвестиция, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларига оид лойиҳалар ва яратиладиган янги иш ўринларининг туман ва шаҳарлар кесимидағи рўйхатини ва уларни амалга ошириш бўйича «йўл ҳариталари»ни тасдиқласин;

инвестиция, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаларига оид лойиҳаларни ўз вактида ва самарали ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш устидан доимий мониторинг ўрнатиб, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

3. 2023 йилда Жиззах вилоятида ижтимоий соҳа обьектларини қуриш ва

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 майда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

реконструкция қилиш, йўл-транспорт инфратузилмаси ва мухандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг манзилли рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, мазкур қарорга 2-иловада белгиланган тадбирларни амалга оширишга Ўзбекистон Республикаси Президенти топширикларига асосан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ва ижрочиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча тарзда 406,1 миллиард сўм ажратилиши белгилансин.

Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров билан биргаликда 2023 йилда қўшимча тарзда ажратилган маблағлар доирасида ижтимоий соҳа обьектлари, мухандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-таъмиглаш ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратининг амалга оширилишини таъминласин.

4. Жиззах вилоятидаги маҳаллаларда ишбилармонлик мухитини яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2023-2024 йилларда маҳаллаларда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида ташкил этиладиган микромарказларнинг манзилли рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу бандда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини самарали ташкил қилиш Жиззах вилояти ҳокими Э.А. Салиев, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.А. Мусаев ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

5. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда, тажриба тарикасида, вилоятдаги 302 та маҳалланинг ҳар биридан беш нафаргacha ҳунармандчиликка қизиқувчи ёшларни 2023-2024 йиллар давомида график асосида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги ҳунармандчилик мактабларига ҳунар ўрганиш учун ўқув курсларига юбориш чораларини кўрсинг.

Бунда, мазкур чора-тадбирларни молиялаштириш Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ва «Хунарманд» уюшмаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Вазирлар Маҳкамасининг Жиззах вилояти туманларида кичик саноат зоналари, савдо ва майший хизмат кўрсатиш комплекслари ва бошқа саноат обьектларини барпо этиш, шу жумладан йўлбўйи хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш мақсадида 4-иловага* мувофиқ жами 1 371,7 гектар, шундан 31,9 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сугориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, мазкур бандга мувофиқ ер участкалари қишлоқ хўжалиги га мўлжалланган ерлар тоифасидан чиқарилиши муносабати билан ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар, истисно тарикасида, ундирилмайди.

Кадастр агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур бандга асосан ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

7. Жиззах вилояти ҳокимлиги икки ой муддатда:

ер участкаларининг жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ва ижаравчиларига етказилган заарларининг белгиланган тартибда тўлиқ қоплаб берилишини;

танланган ер участкаларининг белгиланган тартибда захирага қайтарилиши, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳамда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

8. 2023 йилда жами 25 гектар ер майдонида янги ташкил этилиши режалаштирилган кичик саноат зоналарини ташқи мухандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастури 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Бунда, мазкур қарорга 5-иловага мувофиқ тасдиқланаётган дастур бўйича бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш Жиззах вилояти маҳаллий бюджети ва Жиззах вилояти ҳокимлиги хузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади..

9. Жиззах вилоятида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган 20 та ўирик истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 6-иловага* мувофиқ, Хорижий брендлар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар режаси 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги мазкур қарорга 6-иловада келтирилган истиқболли инвестиция лойиҳаларига хорижий ҳамкор топиша Жиззах вилояти ҳокимлигига кўмаклашсан.

10. Жиззах вилоятида қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва хом ашё захираларини чукур қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида Жиззах вилоятида 2023 йилда аукцион савдоларига чиқариладиган захираларга эга 25 та ер қаъри участкалари рўйхати 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Жиззах вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда мазкур қарорга 8-иловада келтирилган ер қаъри участкалари жойлашган ер майдонларини доимий фойдаланиш хуқуқи асосида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига ажратсан.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мазкур қарорга 8-иловада келтирилган ер қаъри участкаларининг 2023 йил 1 июлга қадар аукцион савдоларига чиқариладиган таъминласин.

11. Белгилансинки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида 2023 йилда Жиззах вилояти

* 5 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Дўстлик туманида янги дехқон хўжаликларини ташкил этиш учун пахта ва фалла майдонларидан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган экин ерлар ҳисобидан аҳолига қўшимча 500 гектар ер майдони ажратилади.

12. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида Жиззах вилояти туманларида 2023 — 2025 йилларда экин ерларини қайта фойдаланишга киритишнинг мақсадли кўрсаткичлари 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Жиззах вилояти ҳокимлиги Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш агентлиги билан биргаликда мазкур қарорга 9-иловага мувофиқ 2023 — 2025 йиллар давомида Арнасой, Бахмал, Фаллаорол, Зомин, Фориш ва Янгибод туманларидағи 9 480 гектар майдонда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирлари асосида ер майдонларининг фойдаланишга киритилишини таъминласин.

Бунда, ушбу тадбирларни амалга оширишда Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги уларга мазкур мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида 83,1 миллиард сўм маблағнинг ажратилишини таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш агентлиги Мажаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 10-иловага* мувофиқ дастлаб аҳолига ижарага берилган 400 гектар ер майдонида:

узоқ муддатли ижара асосида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, маҳсулот етиштириш учун олдиндан буюртма бериш, кўчат, уруғлик ва ўғит билан таъминлаш, агроном бириктирган ҳолда ер майдонлари эгаларининг билим-кўнікмаларини оширишга қўмаклашадиган «Агрегатор» тизимининг жорий этилишини;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг барча босқичларини қамраб олган кичик агрологистика марказлари фаолияти йўлга қўйилишини;

туманинг ихтисослашуви, иқлими, ижарага берилган ер майдонига яқин бўлган маҳаллаларда етиштириладиган маҳсулотлар ва аҳолининг шаклланган кўнікмаларини инобатга олган ҳолда «бир контур — бир маҳсулот» тамойили асосида экспортбоп ва юқори даромадли экинлар экилишини таъминласин.

Бунда ушбу ер майдонларини ижарага олган аҳолига дехқончиликда илғор технологиялардан фойдаланиш ва самарали натижаларга эришишда қўмаклашиш, шунингдек улар учун ўқув семинарларини ташкил этиш чоралари кўрилсин.

14. Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлири ва томорқа ер эгалари кенгаси Фаллаорол, Арнасой, Бахмал, Зарбор туманларида жорий йил якунига қадар сув таъминоти оғир бўлган 38 та

* 9-10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маҳалладаги 269 гектар аҳоли томорқалари ер майдонларини сугориш учун 94 та вертикал сугориш қудуғини ишга тушириш чораларини кўрсинг.

Бунда, мазкур бандга мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар учун зарур бўлган маблағлар Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратилиди.

15. Маданият ва туризм вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Айдар-Арнасой кўллари бўйида туризм объектлари ташкил қилишга қулай ҳудудларни белгиласин.

Солик қўмитаси Жиззах вилояти ҳокимлиги, Табиат ресурслари вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда туризм объектлари ташкил қилинадиган ҳудудлардаги кўчма савдо жойларининг жойлашиш схемасини ишлаб чиқсин ва унга асосан белгиланган тартибда уларни электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрсинг.

16. Жиззах вилоятидаги оммавий савдоларга чиқарилиб, уч ойдан ортиқ муддат мобайнида сотилмай турган, бошланғич қийматини 50 фоизгача босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланиладиган давлат активлари рўйхати 11-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 12-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Жиззах вилояти ҳокими Э.А. Салиев белгилансан.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 2 май,
ПҚ-146-сон

* 11-12-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

146 **Давлат олий таълим муассасалари, республикадаги хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари талабарини моддий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулла-наётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2021 йил 9 сентябрдаги ПФ-6309-сон Фармони, «Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҷ ахоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 29 апрелдаги ПҚ-230-сон қарорига мувофиқ давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида, республикадаги хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган етим ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга ижтимоий таъминот ёрдами маблағларини молиялаштириш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагилар:

Давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган ҳамда республикада фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотларининг бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган етим ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва санитария воситаларини харид қилиш харажатларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиqlansin.

2. Белгилансинки, ушбу қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харатлар 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида мо-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 майда эълон килинган.

лиялаштирилади, 2024 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

З. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Ю. Абдурахмонов ҳамда иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 2 май,
181-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 2 майдаги 181-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим
дастурлари асосида таҳсил олаётган ҳамда республикада
фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотларининг
филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотларининг
бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси
Президенти ва номли давлат стипендияларини
молиялаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган ҳамда республикада фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотларининг бакалавриат босқичи талабалари учун (давлат олий таълим муассасалари ва Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган хорижий олий таълим ташкилотларининг филиалларидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган ҳамда республикада фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотлари бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ташкилот — давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурлари, республикада фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари, нодавлат олий таълим ташкилотлари;

талаба — давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган ҳамда республикада фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотлари бакалавриат босқичи талабалари;

стипендия — Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари.

2-боб. Стипендияларни молиялаштириш тартиби

4. Ташкилот талабалари учун стипендиялар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ушбу мақсадлар учун режалаштирилган бюджет маблағлари доирасида (48 21 190 бошқа харажатлар моддаси бўйича) ажратилади ва молиялаштирилади. Бунда:

ташкилот — ҳар йили 15 октябрга қадар жорий ўқув йили учун стипендия олувчи талабалар сони ҳамда уларга тўланадиган стипендия миқдорини ҳисоблайди ва бюджетдан зарур маблағлар ажратилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига сўровнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги — ҳар йили 1 ноябрга қадар ташкилот томонидан тақдим этилган сўровномаларга асосан жорий ўқув йили учун стипендия тўловларига сарфланадиган маблағларни тўлиқ ҳажмда уларнинг ҳисобварағига ўтказиб беради.

5. Давлат олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган бакалавриат босқичи талабалари учун стипендия маблағлари ушбу муассасаларнинг бюджет харажатлар сметасида назарда тутилади.

3-боб. Стипендияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби

6. Ташкилот талабалари учун стипендиялар Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом асосида тайинланади.

7. Стипендияларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар талабаларнинг давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таълим олаётганидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади ҳамда стипендия соҳибларига белгиланган миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

8. Ташкилот раҳбарлари бюджетдан стипендия тўловлари учун ажратил-

ган маблағлар ўз вақтида талабаларга ойма-ой тўлаб борилишини таъминлашга шахсан жавобгар ҳисобланади.

9. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 2 майдаги 181-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган
етим ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг
қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга озиқ-овқат,
кийим-кечак ва санитария воситаларини харид қилиш
харажатларини молиялаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган етим ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва санитария воситаларини харид қилиш учун маблағларни молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган етим ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва санитария воситаларини харид қилиш билан боғлик харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

3. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ташкилот — нодавлат олий таълим ташкилоти;

талаба — нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган етим ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба;

ижтимоий таъминот ёрдами — озиқ-овқат, кийим-кечак ва санитария воситалари.

**2-боб. Ижтимоий таъминот ёрдами учун маблағларни
молиялаштириш тартиби**

4. Ташкилот талабаларига ижтимоий таъминот ёрдами учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги га ушбу мақсадлар учун режалаштирилган бюджет маблағлари доирасида (48 21 190 бошқа харажатлар моддаси бўйича) ажратилади ва молиялаштирилади. Бунда:

ташкилот — ҳар йили 15 сентябрга қадар жорий ўқув йилида ижтимоий

таъминот ёрдами учун маблағ олувчи талабалар сони ҳамда уларга тўланадиган ижтимоий таъминот ёрдами учун маблағ миқдорини хисоблайди ва бюджетдан зарур маблағлар ажратилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига сўровнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги — ҳар йили 1 октябрга қадар ташкилот томонидан тақдим этилган сўровномаларга асосан амалдаги ўқув йили учун ижтимоий таъминот ёрдами тўловларига сарфланадиган маблағларни тўлиқ ҳажмда уларнинг хисобварагига ўтказиб беради.

3-боб. Ижтимоий таъминот ёрдами учун маблағларни тайинлаш ва тўлаш тартиби

5. Ташкилот талабаларига ижтимоий таъминот ёрдами учун маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом асосида молиялаштирилади.

6. Ижтимоий таъминот ёрдами учун маблағларни тўлаш билан боғлик харажатлар талабаларнинг давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таълим олаётганидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари хисобидан қопланади ва белгиланган миқдорларда тўланади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

7. Ташкилот раҳбарлари ижтимоий таъминот ёрдами тўловлари учун ажратилган маблағларни ўз вактида талабаларга ойма-ой тўлаб борилишини таъминлашга шахсан жавобгар хисобланади.

8. Ушбу Низом талблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 РАҶОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
 ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
 ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА
 ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ**

147

Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
 3 майда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2038-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Раҷобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сонли қарори (рўйхат рақами 2038, 2009 йил 6 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 46-сон, 501-модда) билан тасдиқланган Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси ва Республика қўп тармоқли агросаноат биржаси билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 майда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар хуқуқларини
ҳимоя қилиш қўмитаси раиси**

Ш. ШАРАХМЕТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 10 апрель,
03/15-05/01-сон

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиб департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 6 апрель,
16-сон

Келишилди:

**«Ўзбекистон Республикаси кўп
тармоқли агросаноат биржаси»
бош директори**

Т. ВАЛИТОВ

2023 йил 13 марта

**«Ўзбекистон Республикаси товар-хом
ашёй биржаси» бошқарув раиси**

З. БАДРИДДИНОВ

2023 йил 13 марта

Ўзбекистон Республикаси
 Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
 хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг
 2023 йил 10 апрелдаги 03/15-05/01-сон
 ва Бош прокуратура хузуридаги
 Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
 департаментининг 2023 йил 6 апрелдаги
 16-сон қарорига
 ИЛОВА

**Биржа аъзолари учун жиной фаолиятдан олинган
 даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга
 ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга
 қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
 киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 6-баннда:

куйидаги мазмундаги тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланишининг олдини олишга қаратилган чораларни;

ходимларни танлаш бўйича малака талаблари ва тартибларини;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талабларини;»;

тўққизинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равища ўн иккинчи — ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

2. Қуийидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:

«6¹. Биржа ва биржа аъзоларининг назорати остида ёки аҳамиятли таъсири доирасида битта ёки бир нечта пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар бўлган тақдирда ички қоидалар гурухий ёндашув асосида ишлаб чиқилиши ва қуийидагиларни ўз ичига олиши керак:

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш ва мижозларни лозим даражада текшириш учун зарур бўлган маълумотларни алмашиш қоидалари ва тартиб-таомиллари;

комплаенс назоратни, аудитни ва (ёки) жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш функцияларини гурух даражасида таъминлаш, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадлари учун зарур бўлган ҳолларда филиаллардан ва шуъба корхоналардан

уларнинг мижозлари, хисобвараклари ва операциялари тўғрисидаги маълумотларни олинишини таъминлаш;

махфийликни ва маълумотлардан фойдаланишни етарли даражада ҳимоя қилиш.».

3. 8¹-банднинг биринчи хатбоиси «идентификациялаши ва» деган сўзлардан кейин «ишчанлик обрўсими ўрганиши ҳамда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 9-банд «раҳбарининг бўйруғи билан тайинланади» деган сўзлардан кейин «ва тўғридан-тўғри раҳбарга ҳисобдор ҳисобланади» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. Қўйидаги мазмундаги 9²-банд билан тўлдирилсин:

«9². Масъул шахс лавозимига қўйидаги шахслар тайинланиши мумкин эмас:

ўз фаолияти ва шахсий хулқ-авторида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқаргани ёки ишни вижданан юритмаганини намоён этган шахслар;

иқтисодиёт соҳасидаги, бошқарув тартибига қарши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлари учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар.».

6. 14-банднинг биринчи хатбоиси «биржা аъзоларининг» деган сўзлардан кейин «барча ходимларини, шу жумладан,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. Қўйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

«15¹. Ҳар бир биржা аъзоси қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Коидалар асосида масъул шахснинг вазифалари, ҳукуқлари ва жавобгарлигини белгилайдиган низомни ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалга киритиши лозим.

Ушбу Низом ўзида масъул шахсга бўлган қўйидаги талабларни акс этириши керак:

унинг мақсади ва вазифалари;

унинг бошқа бўлинмалардан мустақил бўлишини таъминлаш усуллари;

унинг раҳбар, шу жумладан бенефициар мулқдорлари билан ўзаро муносабати;

ўзининг функцияларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ҳукуқига эга бўлиши, шунингдек мазкур маълумотларни тақдим этиш масалалари юзасидан биржা аъзоси ходимларининг мажбурияти;

қонунчилик ҳужжатлари ва ички ҳужжатлар талаблари бузилишларини ўрганишни ўтказиш ҳукуки;

олинган маълумотларни раҳбарга эркин ифодалаш ва ошкор этиш ҳукуқига эга бўлиши;

раҳбарга тегишли ҳисботни тақдим қилиш мажбурияти;

мазкур соҳадаги ўзгаришлар тўғрисида раҳбарни хабардор қилиш мажбурияти;

ходимларни танлаш бўйича малака талаблари ва тартиблари;

малакани ошириш бўйича махсус курсларда мунафазам равишида ўқиб бошиш мажбурияти.».

8. 32-банднинг саккизинчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Биржа аъзолари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни ва ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан фойдаланишга руҳсат беришни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкини ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга руҳсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.».

9. 40¹-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«40¹. Биржа аъзоси ички назорат тизимининг самарадорлигини мониторинг қилиш ички аудит хизмати ёки ташқи аудит томонидан амалга оширилади.».

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI STATISTIKA
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

148 “Yuridik shaxslarni hisobga olish va identifikatsiya qilishni avtomatlashtirilgan axborot tizimi “Reg-System”da ishlash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
3-mayda ro‘yxatdan o’tkazildi, ro‘yxat raqami 2594-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 28-sentabrdagi 539-son “Korxonalar va tashkilotlarning yagona davlat registrini yuritish va uning asosida davlat xizmatini ko‘rsatishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining 2014-yil 30-maydagi 3-mb-son “Yuridik shaxslarni hisobga olish va identifikatsiya qilishni avtomatlashtirilgan axborot tizimi “Reg-System”da ishlash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 2594, 2014-yil 12-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 24-son, 299-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritilsin.
2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor

B. BEGALOV

Toshkent sh.,
2023-yil 13-aprel,
29-mb-son

Kelishildi:

Raqamli texnologiyalar vaziri

Sh. ShERMATOV

2023-yil 12-aprel

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 3-mayda e’lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
 Prezident huzuridagi statistika agentligi
 direktorining 2023-yil 13-apreldagi
 29-mb-son buyrug'iiga
 ILOVA

**“Yuridik shaxslarni hisobga olish va identifikasiya qilishni
 avtomatlashtirilgan axborot tizimi “Reg-System”da ishlash
 tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga
 kiritilayotgan o‘zgartirishlar va qo‘srimcha**

1. Qarorning muqaddimasi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“O'zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 28-sentabrdagi 539-son “Korxonalar va tashkilotlarning yagona davlat registrini yuritish va uning asosida davlat xizmatini ko‘rsatishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman.”.

2. Yo‘riqnomada:

a) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Yo‘riqnomasi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi (bundan buyon matnda Statistika agentligi deb yuritiladi) va ro‘yxatdan o‘tkazuvchi organlar tomonidan yuridik shaxslar to‘g‘risidagi ma'lumotlarni, yuridik shaxslarni hisobga olish va identifikasiya qilishning avtomatlashtirilgan axborot tizimi “Reg-System” asosida Korxonalar va tashkilotlarning yagona davlat registriga (bundan buyon matnda KTYADR deb yuritiladi) kiritish jarayonida o‘zaro hamkorlik qilish tartibini belgilaydi.”;

b) 2-bandning ikkinchi xatboshisi, 5 va 7-bandlardagi “Davlat statistika qo‘mitasi” degan so‘zlar “Statistika agentligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

d) 3-bandda:

birinchi xatboshidagi “Davlat statistika qo‘mitasi” degan so‘zlar “Statistika agentligi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

to‘rtinchi xatboshidagi “Davlat statistika qo‘mitasining” degan so‘zlar “Statistika agentligining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

e) 4 va 6-bandlardagi “Davlat statistika qo‘mitasiga” degan so‘zlar “Statistika agentligiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

f) 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Registrar tomonidan KTYADRni yuritish uchun zarur bo‘lgan, yuridik shaxslarning yagona davlat reyestriga kiritilgan yuridik shaxslar to‘g‘risidagi ma'lumotlarni taqdim etish, bevosita Internet tarmog‘idagi Statistika agentligining registr.stat.uz idoraviy saytida bildirishnomani to‘ldirish orqali amalga oshiriladi.”;

g) 12-bandda:

“v” kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“v) yuridik shaxsning ta’sis hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritilganligi, qayta tashkil etish, tugatish jarayonidaligi, tugatish jarayonining to‘xtatilganligi, tugatilishi va pochta manzili o‘zgorganligi, shuningdek moliya-xo‘jalik faoliyati amalga oshirilmayotganligi yoki harakatsiz holatga o‘tkazilganligi

to‘g‘risidagi ma’lumotlar, yuridik shaxslarning yagona davlat reyestriga kiritilgandan keyin ikki kun mobaynida;”;

quyidagi mazmundagi “g” kichik band bilan to‘ldirilsin:

“g) yuridik shaxs yangi tashkil etilgan vaqtida asosiy faoliyat turi kodini biriktirishda yoki xodimlar soni to‘g‘risidagi ma’lumotni to‘ldirishda noaniqlikka yo‘l qo‘ylgan deb hisoblanganda, faoliyat ko‘rsatmayotganda, qo‘sib olish yo‘li bilan qayta tashkil etilganda, belgilangan tartibda faoliyati tiklanganda, qayta ro‘yxatdan o‘tib, ta’sis hujjatlarida ushbu faoliyat turi asosiy faoliyat turi deb belgilanganda, shuningdek ma’lum faoliyatni amalga oshirish bo‘yicha litsenziya olganda yoki litsenziysi bekor qilinganda uning asosiy faoliyat turi va unda ishlayotganlarning o‘rtacha yillik soni o‘zgarganligi to‘g‘risidagi ma’lumotlar, yuridik shaxslarning yagona davlat reyestriga kiritilgandan keyin ikki kun mobaynida.”;

h) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Korxona va tashkilotning umumdavlat tasnifi kodi (bundan buyon matnda KTUT deb yuritiladi) — registrator tomonidan yuridik shaxsga Tizimdan foydalangan holda olingan, real vaqt rejimida bildirishnomani to‘ldirish jarayonida beriladi.”;

i) 20-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. KTYADRdagi barchaning foydalanishi uchun ochiq bo‘lgan axborotlar quyidagilar hisoblanadi:

identifikatsiyalashtirish ko‘rsatkichlari — yuridik shaxsning nomi, KTUT, soliq to‘lovchining identifikatsiya raqami (bundan buyon matnda STIR deb yuritiladi);

klassifikatsiya ko‘rsatkichlari — asosiy faoliyat turining xususiyati, joylashgan joyi, tashkiliy-huquqiy shakli, kichik tadbirkorlik subyektlariga mansubligi, davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari tuzilmasiga kirishi;

ma’lumot tusidagi ko‘rsatkichlar — pochta manzillari, telefon raqamlari, yuridik shaxslarning ta’sischilari (aksiyadorlik jamiyatlari bundan mustasno), rahbari (soliq organlarining ma’lumoti asosida), davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan tartib raqami va sanasi (ustav fondi va ta’sis hujjatlariga o‘zgartirishlar kiritish, yagona davlat reyestridan chiqarish) to‘g‘risidagi ma’lumotlari.”;

j) 22-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“22. Tashqi foydalanuvchilar, bevosita Statistika agentligining www.stat.uz rasmiy saytida real vaqt rejimida, so‘ralayotgan yuridik shaxsning STIRini kiritib, mazkur yo‘riqnomaning 20-bandning uchinchi xatboshisida ko‘rsatilgan axborotlarni bepul olishlari mumkin.”;

k) 1 va 2-ilovalardagi “O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasiga” degan so‘zlar “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

149 «Реабилитация ва мастилик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1050-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон «Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастилик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиласи**:

1. Айрим идоравий норматив-ҳукуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖНОВ

Тошкент ш.,
 2023 йил 18 апрель,
 14-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
 2023 йил 17 апрель,
 8-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2023 йил 5 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
 Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил
 18 апрелдаги 14-сон ва Соғлиқни сақлаш
 вазирлигининг 2023 йил 17 апрелдаги
 8-сон қарорига
 ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
 норматив-хуқуқий ҳужжатлар
 РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 9 июлдаги 4 ва 4-сон «Реабилитация ва мастилик холатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1050, 2001 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахбортономаси, 2001 й., 14-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 июлдаги 31 ва 93-сон «Реабилитация ва мастилик холатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1050-1, 2017 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 750-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 75 ва 132-сон «Реабилитация ва мастилик холатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1050-2, 2020 йил 21 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2020 й., 10/20/1050-2/1643-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

150 «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида^{*}

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3315-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон «Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофик **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 12 июлдаги 8-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3315, 2021 йил 30 июль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.07.2021 й., 10/21/3315/0734-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 29 апрель,
9-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОФИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

151 Дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3430*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сон «Ахолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 29 апрель,
10-сон

Келишилди:

*Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2023 йил 13 апрель

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 14 апрель

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 5 майда эълон қилинган.

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2023 йил 14 апрель

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш
вазирининг 2023 йил 28 апрелдаги 10-сон
буйруғига
ИЛОВА

**Дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз
бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат марказига дори воситаларини рецепт билан ёки рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш ҳамда уларнинг тоифасини ўзгартириш учун мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъекти, юридик шахс (ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи ишончли вакил);

ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази;

генотоксиклик — инсон ҳужайраларидаги ирсий материалга заарлитаъсир қилиш хусусияти;

канцерогенлик — ўсма касалликларини ривожланишини келтириб чиқариш хусусиятига эга бўлган моддаларнинг таъсири;

кумулятив хусусият — дори воситаси қайта қабул қилинганида (қўлланилганида) инсон организмда моддаларнинг тўпланиши;

оригинал дори воситаси — янги фаол моддага эга бўлган, сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигини тасдиқловчи клиник олди ва клиник тадқиқотлар натижалари асосида биринчи марта рўйхатдан ўтказилган дори воситаси;

репродуктив токсиклик — антенатал ва постнатал ривожланиш даврида эмбриотоксик ва фетотоксик ҳамда организмнинг генератив фаолиятига таъсири;

рецепт билан бериладиган дори воситалари — истеъмолчиларга

қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ шаклдаги рецепт тақдим этилгандан кейингина реализация қилинадиган дори воситалари;

рецептсиз бериладиган дори воситалари — фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассис (дорихона ходими) томонидан истеъмолчиларга рецептсиз реализация қилинадиган дори воситалари.

2. Дори воситаларини рецепт билан ёки рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

2-боб. Дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш

3. Дори воситаларини рецепт билан ёки рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш дори воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш (Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш вактида), давлат рўйхатидан ўтказиш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узайтириш жараёнида амалга оширилади.

Бунда, ариза берувчи томонидан тақдим этилдиган хужжатлар рўйхати ва уларни кўриб чиқиши муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 марта 213-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 октябрдаги 862-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.

4. Ваколатли орган томонидан қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган дори воситалари рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон «Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш, ундан олиб чиқиши ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатларига кирмайдиган дори воситалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарори билан тасдиқланган Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида мавжуд бўлган моддаларни таркибида сақламаган дори воситалари;

репродуктив токсиклик, генотоксиклик ва канцерогенлик хусусиятларига эга бўлмаган дори воситалари;

тиббий кузатувсиз қўлланилганида инсон организмига бевосита ёки билвосита хавф тугдирмайдиган дори воситалари;

рухий ва жисмоний қарамликни келтириб чиқармайдиган дори воситалари;

дори воситасини буюриш ва истеъмол қилиш шифокорнинг доимий кузатувини талаб этмайдиган дори воситалари;

ҳомиладорлик ва лактация даврида қўллаш учун қарши кўрсатмалар ва эҳтиёткорлик чоралари мавжуд бўлмаган дори воситалари;

узоқ муддат қўлланилганида кумулятив хусусиятларга эга бўлмаган дори воситалари;

таркибида кейинчалик тадқиқотлар ўтказиш талаб этиладиган фаол моддаларни сақламайдиган дори воситалари;

даволаш-профилактика муассасаларида қўллашга мўлжалланмаган дори воситалари;

инсон организмида жиддий ножўя таъсиrlарни келтириб чиқарадиган дори воситалари билан ўзаро таъсиr қилмайдиган дори воситалари;

дори воситаси ишлаб чиқарилган ёки рўйхатдан ўтказилган хорижий мамлакатларда рецептсиз ёки рецепт билан берилганлиги.

5. Мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган дори воситалари тоифасига кирмайдиган қолган барча дори воситалари рецепт билан бериладиган дори воситалари тоифасига киритилади.

6. Ҳар бири алоҳида рецептсиз бериладиган дори воситаси бўлган иккита ва ундан ортиқ таъсиr этувчи моддалар мажмуасидан таркиб топган дори воситалари рецептсиз бериладиган дори воситаси хисобланмайди.

7. Рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхати ваколатли орган томонидан шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда мунтазам янгиланиб борилади.

3-боб. Рецепт билан бериладиган дори воситаларини рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўзгартириш

8. Рецепт билан бериладиган дори воситалари рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўзгартирилиши мумкин. Бунда, дори воситалари нинг фойдали хусусиятлари ва ножўя таъсиrlари қайта баҳоланиши лозим.

9. Рецепт билан бериладиган дори воситаларини рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўзгартиришда ариза берувчи томонидан ваколатли органга қуидаги хужжатлар тақдим этилади:

рекепт билан бериладиган дори воситаларини рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўзгартириш юзасидан электрон ёки ёзма шаклдаги ариза;

дори воситасини тиббиётда қўллаш бўйича йўриқнома;

дори воситасининг хавфсизлиги бўйича маълумотлар (клиник тадқиқот хисоботлари ва даврий янгиланиб борувчи хисобот);

дори воситасининг қисқача тавсифи.

10. Ариза берувчининг дори воситаларини рецепт билан бериладиган тоифадан рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўзгартириш бўйича мурожаати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 мартағи 213-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ваколатли орган томонидан 90 кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади.

Бунда, ваколатли орган томонидан дори воситаларини рецепт билан бериладиган тоифадан рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

11. Ваколатли орган томонидан дори воситаларини рецепт билан бериладиган тоифадан рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганида дори воситаларини бериш тартиби акс эттирилган ҳужжатларга (тиббиётда кўлланилишига доир йўриқнома, ўрамнинг рангли макети ва дори воситасининг меъёрий ҳужжатига) тегишли ўзгартириш киритилади ҳамда ушбу ҳужжатлар ариза берувчига тақдим этилади.

12. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган мезонларга номувофиқ бўлса, дори воситаларини рецепт билан бериладиган тоифадан рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўтказишни рад этилади.

Дори воситаларини рецепт билан бериладиган тоифадан рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўтказишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

13. Ваколатли орган томонидан дори воситаларини рецепт билан бериладиган тоифадан рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўтказишни рад этилганида ариза берувчи беш иш куни ичидаги электрон ва ёзма шаклда хабардор қилинади.

14. Дори воситаларини рецепт билан бериладиган тоифадан рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига ўтказишни рад этилганда ариза берувчи уч йилдан сўнг такроран мурожаат қилиши мумкин.

4-боб. Якуний қоидалар

15. Ариза берувчи ваколатли органнинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

16. Мазкур Низомнинг талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

152

**Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчи-
ларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини ту-
зиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-4*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурӣ ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2634, 2014 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 612-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 28 марта,
5-сон

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
28 марта даги 5-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари
олувчиликнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини
тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима куйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молия-
лаштириладиган бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиликнинг

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 майда эълон қилинган.

харажатлар сметаси ва штат жадваларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, вақтингчалик харажатлар сметаларини, шунингдек бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг жамланма харажатлар сметаси ҳамда штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.».

2. Қуйидаги мазмундаги 1¹-банд билан тўлдирилсин:

«1¹. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бюджет маблағларини тақсимловчи — биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қонун билан белгиланган миқдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

вақтингчалик харажатлар сметаси — бюджет ташкилотининг ёки бюджет маблағлари олувчининг харажатлар сметаси тасдиқлангунига ва рўйхатдан ўтказилгунига қадар амал қиласидиган хужжат бўлиб, унда қонунчиликдаги ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳар ой учун акс эттирилади;

даромадлар ва харажатлар сметаси — бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг тегишли йил чораги ёки молия йили учун кутилаётган тушумлари ва харажатлари акс эттириледиган хужжат;

жамланма харажатлар сметаси — бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси;

иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириктириледиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

штат жадвали — доимий ходимлар лавозимлари ва бўш ўринлар номларининг сони ва лавозим маошларининг миқдорлари кўрсатилган рўйхатни ўз ичига оладиган, бюджет ташкилоти томонидан тузиладиган хужжат;

харажатлар моддаси — бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий йўналиши ва тўловларнинг аниқ турлари бўйича белгиловчи бюджет таснифининг бир қисми;

электрон рақамли имзо (бундан бўён матнда ЭРИ деб юритилади) — электрон хужжатдаги мазкур электрон хужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгаришлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон хужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо.».

3. 7-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг хориждаги ҳар бир дипломатик ваколатонаси ва консуллик муассасаси бўйича харажатлар сметалари Ўзбекистон

Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган йиллик жамланма харажатлар сметалари асосида хорижий ва миллий валютада тузилади.».

4. 7¹-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7¹. «UzASBO» дастурий мажмуасига (бундан буён матнда дастурий мажмуа деб юритилади) уланган бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар, бюджет маблағларини тақсимловчилар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметалари, штат жадваллари, жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметалари ва жамланма штат жадваллари дастурий мажмуада ушбу ташкилотлар томонидан шакллантирилади ва тузилади.

Дастурий мажмуада шакллантирилган ва тузилган харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметалари, штат жадваллари, жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметалари ва жамланма штат жадваллари мазкур Низом талаблари асосида тасдиқланиб, ҳар бирiga хос «QR» кодлар қўйиш орқали дастурий мажмуада рўйхатга олинади.».

5. 7²-бандда:

«п» кичик банддаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирманчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, ушбу бандда кўрсатилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг иқтисодиёт ва молия бўлимлари (бундан буён матнда иқтисодиёт ва молия органлари деб юритилади)нинг шахсий ғазна хисобварақларида акс эттирилади (мазкур банднинг «м», «с» ва «т» кичик бандларида келтирилган маблағлар бундан мустасно).».

6. Қўйидаги мазмундаги 7³-банд билан тўлдирилсин:

«7³. Бюджет ташкилотлари, бюджет маблағлари олувчилар, бюджет маблағларини тақсимловчилар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг дастурий мажмуа орқали тузилиб, белгилangan тартибда тасдиқланган ҳамда рўйхатдан ўtkazilgan харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметалари, штат жадваллари, жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси, жамланма вақтинчалик харажатлар сметалари ва жамланма штат жадвалларини қофозга чоп этиш талаб этилмайди.».

7. 8-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб хисоблансин;

қүйидаги мазмундаги хатбоши билан тұлдирилсін:

«Капитал қурилиш объектлари бўйича харажатлар сметаси мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.».

8. 9-бандда:

иккинчи хатбошидаги «молия органлари» деган сўзлар «иктисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсін;

учинчи хатбошидаги «Молия» деган сүз «Йқтисодиёт ва молия» деган сүзлар билан алмаштирилсін;

қүйидаги мазмундаги хатбошилар билан тұлдирилсін:

«Харажатлар сметасининг биринчи ва иккинчи гурух харажатлари мазкур Низомнинг З-иловасига мувофиқ тузилган штат жадвалидаги меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси миқдоридан келиб чиқсан холда дастурий мажмуада автоматик тарзда шакллантирилади.

Агар етказилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажми тузилгандай штат жадвалидаги меҳнатга ҳак тўлаш жамғармаси миқдоридан кам бўлса, харажатлар сметасида жорий молия йилининг декабрь ойидан бошлаб кетма-кет равишда олдинги ойларга қараб етишмаган қисмига камайтирилади.».

9, 10-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Харажатлар сметасини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш давомида Ўзбекистон Республикаси ва Қоракалпогистон Республикаси вазирликлари, қўмиталари ва идоралари, тегишли ҳокимиятларнинг бошқарма ва бўлимлари ўзларига бўйсунувчи ташкилотларга бюджет тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари ва иқтисодиёт ва молия органининг мазкур масала бўйича кўрсатмаларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун сметаларни тузиш тартиби ва муддатлари тўғрисида кўрсатмалар беради.»;

иккинчи хатбоидаги «давлат» деган сўз чиқариб ташлансин.

10. 12-бандда:

Үн биринчи хатбоши қүйидаги таҳрирда баён этилсін:

«ижтимоий солиқни тұлаш харажатлары харажатлар сметасига белгиланған ставкалардан ва қонунчилік хужжатларига мувофиқ ижтимоий солиқ тұланадиган барча тұлов сүммаларидан келиб чикқан ҳолда киритилади»;

Үн түрткінчі хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

«телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари харажатлари абонент рақамлари сони ва хизматлар учун тасдиқланган тарифларидан келиб чиқиб хисобланади.»;

Йигирма учинчи хатбошидаги «ва молия» деган сўзлар «ҳамда иқтисодиёт ва молия» деган сўздар билан алмаштирилсун.

11. 17-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидан «давлат» деган сўз чиқарип ташлансан.

12. 18-банддаги «давлат құмиталари» деган сүзлар «құмиталар» деган сүз билан алмаштырылған.

13. 20-банд күйилаги таҳрирда баён этилсинген:

«20. Даастурый мажмууга уланган бюджет ташкилоти ва бюджет маблаэлари одувчиликнинг харажатлар сметаси шунингдек бюджет маблаэларини ташкилоти тақрирда баси этилени.

рини тақсимловчилар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари-нинг жамланма харажатлар сметаси ташкилот раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг ЭРИси билан тасдиқланади.

Дастурий мажмуага уланмаган бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиликнинг харажатлар сметаси, шунингдек, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг жамланма харажатлар сметаси ташкилот раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан тасдиқланади, тасдиқланган куни кўрсатилган ҳолда уларнинг имзолари ҳамда мазкур сметанинг барча нусхалари ташкилот муҳри изини акс эттириш билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг йиллик жамланма харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда жорий йилнинг 1 февраляга қадар Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ЭРИси билан тасдиқланади.

Дастурий мажмуага уланмаган Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан тасдиқланади, тасдиқланган куни кўрсатилган ҳолда уларнинг имзолари ҳамда мазкур сметанинг барча нусхалари ташкилот муҳри изини акс эттириш билан расмийлаштирилади.

Дастурий мажмуа орқали тузилган капитал қурилиш обьектлари бўйича харажатлар сметаси буюртмачи раҳбарининг ЭРИси билан тасдиқланади.

Дастурий мажмуа орқали тузилмаган капитал қурилиш обьектлари бўйича харажатлар сметаси буюртмачи раҳбари томонидан тасдиқланади, тасдиқланган куни кўрсатилган ҳолда имзоси ҳамда мазкур сметанинг барча нусхалари ташкилот муҳри изини акс эттириш билан расмийлаштирилади. Бунда, смета бўйича харажатларнинг умумий суммаси кўрсатилади.».

14. 21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Давлат илмий дастурларини бажариш учун ижрочи-ташкилотларга йўналтириладиган бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметаси улар билан мазкур дастурларга киритилган лойихаларни бажаришга бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида шартнома тузган тегишли вазирлик, кўмита ва идора томонидан тузилади ҳамда унинг раҳбари (у ваколат берган шахс) ЭРИси билан тасдиқланади. Бунда ходимлар иш ҳақи жамғармасининг суммасини ажратган ҳолда сметада харажатларнинг умумий суммаси кўрсатилади.».

15. 25-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, бюджет ташкилотларининг жамланма штат жадвали ва штат жадвалини тасдиқлаш бюджет ташкилотларининг жамланма харажатлар сметаси ва харажатлар сметаларини тасдиқлаш учун белгиланган талабларга мувофиқ тартибда амалга оширилади.».

16. 26-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиликнинг вақтингчалик харажатлар сметаларини, шунингдек, марказлаштирилган молия-

лия-бухгалтерия хизматлари томонидан жамланма вақтингчалик харажатлар сметаларини тузиш ва тасдиқлаш мазкур Низомнинг тегишинча 4 ва 4а-иловаларига мувофиқ шаклларда кейинги молия йилининг биринчи чорагини ойма-ой бўлган ҳолда амалга оширилади. Бунда, вақтингчалик харажатлар сметасида назарда тутиладиган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ўтган молия йилининг охирги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ортиқ бўлмаслиги лозим ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар суммасига аниқлаштирилиши мумкин.».

17. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Жамланма вақтингчалик харажатлар сметалари ва вақтингчалик харажатлар сметалари жамланма харажатлар сметалари ва харажатлар сметаси тасдиқлангунга қадар амалда бўлади. Бунда, рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган жамланма харажатлар сметаси ва харажатлар сметасида биринчи чорак учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар вақтингчалик харажатлар сметасида назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлардан кам бўлмаслиги керак.».

18. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Жамланма вақтингчалик харажатлар сметалари ва вақтингчалик харажатлар сметаларини тузиш ва тасдиқлаш харажатлар сметаларини тузиш ва тасдиқлаш талабларига мувофиқ тартибда амалга оширилади.».

19. 30-банднинг тўртинчи хатбоисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин.

20. 31-банднинг тўртинчи хатбоисидаги «молия» деган сўз «иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 32-баннадаги «молия» деган сўз «иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 38-банднинг биринчи хатбоисидаги «Молия» деган сўз «Иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 39-баннадаги «Молия» деган сўз «Иктисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 42-банда:

биринчи хатбоидаги «Бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчиларнинг» деган сўзлар «Дастурий мажмууга уланмаган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Дастурий мажмууга уланган бюджет ташкилотлари ёки бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатга олиш электрон тарзда мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш йўли билан расмийлаштирилади.

Бунда, дастурий мажмуу орқали рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадвалларининг ҳисоби Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхатга олин-

ган (жамланма) харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадвалларини ҳисобга олиш журналида электрон тарзда юритилади.».

25. 43-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (рўйхатдан ўтказиш карточкалари, сметалар ва штат жадваллари) бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари ва молия-иқтисод бўлинмаси бошлиқлари томонидан имзоланади. Бунда, дастурий мажмуа орқали жўнатилган ушбу ҳужжатлар бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари ва молия-иқтисод бўлинмаси бошлиқларининг ЭРИси билан тасдиқланади.».

26. 44-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Дастурий мажмуа орқали тузилмаган харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадваллари рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги штамп билан:

биринчи нусхаси — тегишли бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчига қайтирилади;

иккинчи нусхаси — хар бир бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчилар учун алоҳида папкаларда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг тегишли молия-иқтисод бўлинмаларида (бунда, бюджет маблағларини тақсимловчилари мавжуд бўлмаган ҳолларда тегишли иқтисодиёт ва молия органларида) сақланади.».

27. 46-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жамланма харажатлар сметасини бюджет таснифига мувофиқ бўлим, кичик бўлим, боб ва харажат гуруҳлари кесимида, бўйсунувидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси, марказлаштирилган тадбирлар харажатлар сметасини, бюджет маблағларини тақсимловчилар харажатлар сметасини жамлаш йўли билан мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда;»;

куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жамланма даромадлар ва харажатлар сметасини бюджет таснифига мувофиқ бўлим, кичик бўлим, боб ва харажатлар моддалари кесимида, бўйсунувидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даромадлар ва харажатлар сметасини, марказлаштирилган тадбирлар харажатлар сметасини, бюджет маблағларини тақсимловчилар даромадлар ва харажатлар сметасини жамлаш йўли билан мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда;»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги «бюджет тизими бюджетлари харажатлари таснифига» деган сўзлар «бюджет таснифига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

28. 47-банддаги «давлат қўмиталари ва идораларининг» деган сўзлар «қўмиталар ва идораларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29. 49-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда жамланма штат жадваллари билан бир вактда бўйсунувларидағи бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағларини олувчилар бўйича тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасини ва штат жадвалларини дастурий мажмуа орқали юборади.»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Дастурий мажмуага уланмаган бюджет маблағларини тақсимловчилар жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси ва жамланма штат жадвалларини тегишинча Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органларига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қиласди.».

30. 6-бобнинг номидаги «Молия вазирлиги ҳамда ҳудудий молия органларида» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31. 50-банда:

биринчи хатбошидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

32. 51-банда:

иккинчи хатбошидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» ва «молия бошқармалари» деган сўзлар тегишли равишда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» ва «иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, Қорақалпоғистон Республикасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт ва молия бошқармалари профессионал таълим ташкилотларининг харажатлар сметаси, штат жадваллари ва вақтингачлик харажатлар сметасини, улар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети шахсий разна ҳисобварагларини очиб, рўйхатдан ўтказади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича профессионал таълим ташкилотларининг жамланма харажатлар сметаси, жамланма вақтингачлик харажатлар сметаси ва жамланма штат жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.».

33. 52-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик муассасаларини сақлаб туриш учун тасдиқланган жамланма харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бўлинмаси томонидан рўйхатдан ўтказилади.».

34. 53-банддаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

35. 6-бобнинг 2-параграфи номидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

36. 54¹-банднинг олтинчи хатбошисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

37. 55-банддаги «молия органида» деган сўз «иқтисодиёт ва молия органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

38. 60-банддаги, 61-банднинг биринчи хатбошидаги ва 62-банддаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

39. 64-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, дастурй мажмуага уланган бюджет ташкилотлари ёки бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатга олиш электрон тарзда амалга оширилади.».

40. 65-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, дастурй мажмуа орқали рўйхатдан ўтказилган жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ҳамда харажатлар сметаси ва штат жадвалларининг ҳисоби Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхатга олинган (жамланма) харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадвалларини ҳисобга олиш журналида электрон тарзда юритилади.».

41. 66-банда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сметалар ва штат жадваллари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиладиган ташкилотлар бўйича — иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари, соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бўлинма бошлиқлари томонидан;

худудий иқтисодиёт ва молия органларида — Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири ёки унинг ўринбосари, иқтисодиёт ва молия органлари бошлиқлари (мудирлари) ёки уларнинг ўринбосарлари ҳамда иқтисодиёт ва молия органлари бюджет бўлимлари ва иқтисодиёт ва молия органларининг тегишли (бўлимлари) секторлари бошлиқлари томонидан имзоланади.».

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, дастурй мажмуага уланган бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхатдан ўтказиш карточкалари, харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда штат жадваллари, шунингдек, жамланма харажатлар сметаси, жамланма даромадлар ва харажатлар сметаси ва жамланма штат жадваллари юқоридаги масъул шахсларнинг ЭРИси билан имзоланади.».

42. 67-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

43. 68-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68. Дастурий мажмуага уланмаган бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхатдан ўтказилган (жамланма) харажатлар смета-

си ва штат жадвалларининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бўлинмаларида ва худудий иқтисодиёт ва молия органларида алоҳида папкаларда сакланади.».

44. 69-баннда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бўлинмалари;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўйича — Қорақалпоғистон Республикасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт ва молия бошқармаларининг тегишли бўлимлари;»;

тўртингчи хатбошидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсун.

45. 70-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«70. Ташкилотлар раҳбарларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича аризалари мазкур ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилган худудий иқтисодиёт ва молия органининг раҳбари томонидан ўн кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказган худудий иқтисодиёт ва молия органининг қарори бўйича норозилик тўғрисидаги аризалар юқори турувчи иқтисодиёт ва молия органлари томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринbosари қарори бўйича норозилик тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири томонидан кўриб чиқилади.».

46. 71-банднинг иккинчи хатбоисидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсун.

47. 72-баннда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг соҳаларни молиялаштирувчи тегишли бўлинмалари мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ 17-сон шаклдаги маълумотнома-билдиришномани бюджет маблағларини тақсимловчиларга йўллайди. Бунда, бўйсунуvida бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчилар мавжуд бюджет маблағларини тақсимловчилар 17-сон шаклдаги маълумотнома-билдиришнома асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ 18-сон шаклдаги маълумотнома-билдиришномани бўйсунувидаги ташкилотларга йўллайди;»;

учинчи хатбошидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсун.

48. 73-бандда:

учинчи хатбошидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

49. 75-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошилари қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, шунингдек, иккинчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчилар бўйича — биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан. Бунда, бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тасарруфидаги тизим ташкилотларига бюджетдан ажратиладиган маблағлари доирасида фақат гуруҳлар бўйича ўзгартиришлар киритилиши мумкин;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари томонидан;

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўйича — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказилади. Бунда марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари бўйсунувидаги бюджет ташкилотлари кесимида ва уларнинг раҳбарлари билан келишган ҳолда ўзгартиришларнинг жамланма сўровини ишлаб чиқади ва тақдим этади.».

50. 76-бандда:

биринчи хатбошидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши «таснифи» деган сўздан кейин «модда,» деган сўз билан тўлдирилсин.

51. 77-банддаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

52. 80-бандда:

биринчи хатбошидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Бир вақтнинг ўзида иқтисодиёт ва молия органи ташкилотларни сақлаб туриш харажатлари сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш бўйича маълумотларни олдинги рўйхатдан ўтказиш жойидаги иқтисодиёт ва молия органидан талаб қиласи ҳамда мазкур маълумотлар тақдим қилингандан сўнг Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхатга олинган (жамланма) харажатлар сметаси,

даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадвалларини хисобга олиш журналига «хисобга қабул қилинди» деб ёзади ёки дастурий мажмууда хисобга қабул қилинади. Бунда, рўйхатдан ўтказиш карточкаси тегишли ўзгартиришлар билан янгисига алмаштирилади.

Иқтисодиёт ва молия органи ташкилот бошқа жойга ўтказилганлиги тўғрисида ҳам Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилярнинг рўйхатга олинган (жамланма) харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ва штат жадвалларини хисобга олиш журналига ёки дастурий мажмууда тегишли ёзувни ёзади.».

53. 81-бандда:

биринчи хатбошидаги «молия органининг» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «молия органида» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «молия» деган сўз «иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

54. 82-банднинг биринчи хатбошидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин.

55. 84-банддаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

56. 85-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидағи «давлат қўмиталири» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин.

57. 86-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«86. Ҳар йили иқтисодиёт ва молия органлари молия йилининг биринчи чорак охири ва иккинчи чорак бошида барча бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилярнинг харажатлар сметаси (даромадлар ва харажатлар сметаси, вақтинчалик харажатлар сметаси), бюджет маблағларини тақсимловчининг ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг жамланма харажатлар сметаси тузилиши, тасдиқланишининг тўғрилигини ва ўз вақтида етказилишини текширишдан ўтказиши, худудий иқтисодиёт ва молия органлари томонидан мазкур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли олиб борилганлигини тизимли назорат қилиши, текширувларни ташкиллаштиришда ва ўтказишида уларга зарур ёрдамни кўрсатиши лозим.».

58. 87-банднинг учинчи хатбошидан «давлат» деган сўз чиқариб ташлансин.

59. 88-бандда:

биринчи хатбошидан «давлат» деган сўз чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташкилотларнинг харажатлар сметасининг тўғри тузилиши, тасдиқланиши ва ўз вақтида етказилиши бўйича текшириш натижалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва худудий иқтисодиёт ва молия органларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, қўмиталари, идораларида мунтазам умумлаштирилади ва кўриб чиқилади ҳамда мазкур ишларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинади.».

60. 90-бандда:

биринчи хатбошидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар «қўмиталар» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Молия» деган сўз «Иқтисодиёт ва молия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

61. Харажатлар сметасига 2-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

62. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 4а-илова билан тўлдирилсин.

63. 8-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

64. Жамланма харажатлар сметасига 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

153 Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раҳами 3431*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилиади**:

1. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 18 апрель,
8/3-сон

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2023 йил 3 апрель

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 4 апрель

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
18 апрелдаги 8/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари
фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва чақириб олиш тартиб-таомилларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тўлов тизими оператори — Ўзбекистон Республикаси худудида тўлов тизимининг ишлашини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

тўлов ташкилоти — банк хисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган юридик шахс;

бильвосита эгалик қилувчи (олувчи) — тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушкига ўзи назорат қиласидиган бошқа шахс орқали эгалик қилувчи (акцияларни олевчи) жисмоний ёки юридик шахс;

муҳим тўлов тизими оператори — тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ёки унинг ишидаги тўхталишлар (узилишлар) Ўзбекистон Республикаси тўлов хизматлари бозорининг барқарор фаолият кўрсатадиган ёки тўлов хизматлари бозорида таваккалчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган, шунингдек Марказий банк томонидан муҳим тўлов тизими жумласига киритилган тўлов тизимининг оператори;

лицензия даъвогари — тўлов тизими операторлари ёки тўлов ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) олиш учун мурожаат қилган юридик шахс.

2. Лицензия Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан чекланмаган муддатга бериллади.

3. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи лицензия берилган вақтдан бошлаб вужудга келади.

4. Лицензияни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

5. Лицензия берилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорида давлат божи ундирилади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Кўйидагилар тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаблари ва шартлари хисобланади:

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари)нинг мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган талабларга мувофиқлиги;

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбарларининг мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган талабларга мувофиқлиги;

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари) ҳамда ижро этувчи органи раҳбарларининг мазкур Низомнинг 5-бобида белгиланган ишchanлик обрўсига доир талабларга мувофиқлиги;

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг мазкур Низомнинг 6-бобида белгиланган устав фондига (устав капиталига) қўйилган талабларга мувофиқлиги;

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг мазкур Низомнинг 7-бобида белгиланган ташкилий, техник, хавфсизлик ҳамда фаолиятнинг узлуксизлигига доир талабларга мувофиқлиги.

3-боб. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари)га қўйиладиган талаблар

7. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳамда норезидент юридик ва жисмоний шахслар тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари) бўлиши мумкин.

8. Халқаро молия институтлари, чет эл банклари ҳамда чет эл тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари хисобланмайдиган норезидент юридик шахслар ҳамда норезидент жисмоний шахсларнинг тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти устав фондидаги (устав капиталидаги) жами улуши эллик фоиздан ошмаслиги керак.

9. Халқаро молия институтлари, чет эл банклари ҳамда чет эл тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари хисобланувчи норезидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикасида тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотининг муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари) бўлиши учун ушбу ташкилотларнинг устав фонди (устав капитали) 20 миллион евро эквивалентидан кам бўлмаслиги керак.

Агар молиявий ташкилот устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори 20 миллион евро эквивалентидан кам бўлган тақдирда, чет давлатнинг назорати органи томонидан молиявий ташкилотнинг салоҳиятига берилган баҳоси эътиборга олиниши мумкин.

10. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти муассислари (ишти-

рокчилари ёки акциядорлари) бўлган юридик шахслар белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва камида бир йил фаолият юритаётган бўлиши керак.

11. Қуидагилар тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотининг муассислари (иштирокчилари ёхуд акциядорлари) бўлиши мумкин эмас:

тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотининг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун йўналтириладиган пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари ҳақидаги ахборот мавжуд бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёки чет давлатнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўлов тизими оператори ёхуд тўлов ташкилоти устав фондига (устав капиталига) ёки акцияларига эгалик қилишига тақиқ (чекловлар) мавжуд бўлган жисмоний ва юридик шахслар;

жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, но давлат нотижорат ташкилотлар, бюджетдан ташқари жамғармалар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари;

давлат органлари, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган ишчанлик обрўсига доир талбларга мувофиқ бўлмаган жисмоний шахслар;

тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган юридик ва жисмоний шахслар.

4-боб. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбарларига қўйиладиган талаблар

12. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти ижро этувчи органларининг раҳбарлари қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши лозим:

олий маълумотга эга бўлиши;

банк-молия соҳасида ёки ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида камида икки йиллик тажрибага эга бўлиши;

мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган ишчанлик обрўсига доир талбларга мувофиқ бўлиши.

5-боб. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари) ҳамда ижро этувчи органи раҳбарларининг ишчанлик обрўсига доир талаблар

13. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари) ҳамда ижро этувчи органи раҳбарларининг ишчанлик обрўсига доир талаблар қуидагиларни ўз ичига олади:

шахснинг профессионаллигини, виждонлилигини, тартиблилигини ва бошқа сифатларини тасдиқловчи, қонунчилик ҳужжатлари асосида иш юритиши ҳамда ташкилотни хатарга ва унга нисбатан ишончнинг йўқотилишига олиб келувчи ҳаракатлар қилмайди деб хисоблашга асос бўлувчи бенуқсон ишчанлик обрўсининг мавжудлиги;

муассислар (иштирокчилар ёки акциядорлар) ва ижро этувчи орган раҳ-

барларига нисбатан иқтисодий жиноятлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ҳамда оммавий қирғин куролини тарқатишни молиялаштириш, бошқарув тартибиға қарши жиноятлар, уюшган жиноятчилик, гиёхванд моддалар ноқонуний савдоси ва ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик ҳолатининг мавжуд эмаслиги;

муассислар (иштирокчилар ёки акциядорлар) ва ижро этувчи орган раҳбарлари террористик фаолиятда ёки оммавий қирғин куролларини тарқатишида иштирок этган ёки иштирок этишида гумон қилинаётганлар рўйхатида мавжуд эмаслиги;

муассислар (иштирокчилар ёки акциядорлар) ва ижро этувчи орган раҳбарларини молия соҳасида профессионал фаолият билан шуғулланиш хукуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд қарорининг мавжуд эмаслиги;

чет давлат ваколатли органи томонидан лавозимига киришишидан олдин келишиб олиниши (тайинланиши, тасдиқланиши) талаб қилинадиган номзоднинг раҳбар лавозимига, олдиндан келишиб олинмасдан (тайинланмасдан, тасдиқланмасдан) киришганлиги ҳолатининг мавжуд эмаслиги;

муассислар (иштирокчилар ёхуд акциядорлар) ва ижро этувчи орган раҳбарлари ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида ўзи ҳозирда ёки илгари ижроия органи, кузатув кенгаши аъзоси бўлган ёхуд ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган иштирокчиси (муассиси) сифатида ёки бошқа усулда назорат қилган ёки назорат қилаётган юридик шахсни тўловга қобилиятсизлик ва мажбурий ликвидация ҳолатига олиб келганлигини тасдиқловчи далилларнинг мавжуд эмаслиги;

раҳбар бўлиб ишлаётган (ишлаган) юридик шахс ёки унинг алоҳида бўлинмасининг ташки ёхуд бошқа объектив омиллар билан асосланмаган салбий молиявий кўрсаткичларга эгалигини (эга бўлганлигини) тасдиқловчи далилларнинг мавжуд эмаслиги;

ҳозирда ёки олдин ижро органи, кузатув кенгаши аъзоси бўлган ёки ҳал қилувчи эгаси (акционери) бўлган ёхуд бошқа усулда назорат қилган ёки қилаётган юридик шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлат молиявий сектор назорат органи томонидан қўпол ва жиддий қоидабузарликлар учун қўлланилган чора ҳамда санкцияларнинг мавжуд эмаслиги.

6-боб. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг устав фондига (устав капиталига) қўйиладиган талаблар

14. Тўлов тизими оператори устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори 10 миллиард сўмни ташкил этиши лозим.

Агар тўлов тизими оператори муҳим тўлов тизими оператори мезонига жавоб берса, устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори 50 миллиард сўмни ташкил этиши лозим.

15. Қўйидаги хизматларни кўрсатувчи тўлов ташкилоти лицензия олиш учун устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори 1 миллиард сўмни ташкил этиши лозим:

электрон шаклдаги тўловларга ишлов бериш ва тўлов воситаларидан

фойдаланилган ҳолда пул маблағларини хўжалик юритувчи субъектга ўтказиш учун зарур ахборотни банкка бериш ёки мазкур тўловлар бўйича пул маблағларини қабул қилиш;

электрон пулларни ва банк карталарини реализация қилиш;

банк ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш ва амалга ошириш.

Қўйидаги хизматларни кўрсатувчи тўлов ташкилоти устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори 5 миллиард сўмни ташкил этиши лозим:

электрон шаклдаги тўловларга ишлов бериш ва тўлов воситаларидан фойдаланилган ҳолда пул маблағларини жисмоний шахсларга (бундан якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно) ўтказиш учун зарур ахборотни банкка бериш;

электрон пуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тўловларни қабул қилиш ва қайта ишлаш;

тўловчи томонидан банк ҳисобварағини очмасдан тўловни амалга ошириш учун нақд пул маблағларини қабул қилиш;

пул ўтказмалари тизими орқали пул маблағларини қабул қилиш ва амалга ошириш.

16. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг устав фонди (устав капитали) Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг муассислари (иштирокчилари, акциядорлари) томонидан киритилган пул маблағларидан ташкил топади.

Тўлов тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилоти устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори лицензия олиш учун ариза тақдим этилган вақтда тўлиқ шаклланган бўлиши ва лицензия берилгунига қадар банк ҳисобварағида сақланиши керак.

Устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, мажбурият юклитилган бошқа маблағлардан, шунингдек жинойи фаолиятдан олинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

7-боб. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотига қўйиладиган ташкилий, техник, хавфсизлик ҳамда фаолиятнинг узлуксизлигига доир талаблар

17. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотида тўлов хизматларини кўрсатиш фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида қўйидагилар мавжуд бўлиши лозим:

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотига тегишли ёки камида учйил муддатга ижарага олинган ҳамда тегишли хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлган бинолар;

тўлов тизими ва тўлов хизматларини кўрсатиш, бошқарув, ички назорат ва таваккалчиликларни бошқариш тизимларининг самарали ишлаши учун малакали ва тажрибали ходимлар;

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти фаолиятининг хусусияти ҳамда ҳажмини инобатга олган ҳолда техник қуввати етарли бўлган функционал ускуналар (компьютер, коммуникация, маълумотларни сақлаш ва тўлов тизими ишлашини таъминлайдиган бошқа техник ускуналар) ва дастурий таъминот билан жиҳозланган бўлиши;

мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизимининг мавжудлиги; банкнинг тўлов тизими хисоб-китоб банки бўлишга ёзма розилиги (шартнома нусхаси);

банкнинг эквайринг хизматларини кўрсатиш юзасидан ёзма розилиги (шартнома нусхаси).

Бунда, хисоб-китоб банки ва эквайринг хизматларини кўрсатувчи банк тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти билан тузиладиган шартнома доирасида кредит, ликвидлилик, ахборот хавфсизлиги ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга доир талабларга риоя этиш ҳамда таваккалчиликларни бошқаришда масъул хисобланади.

18. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти ахборот тизимларининг хавфсизлигини таъминлаши ва ахборот тизимларининг хавфсизлик сиёсатини қабул қилиши шарт.

19. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти ахборот тизимларини Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматлари етказиб берувчила-рининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3268, 2020 йил 11 июнь) мувофиқ ташкил этиши зарур.

Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг ахборот тизимлари қўйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

серверлар O'z DSt 2875:2014 «Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш» стандартидаги датамарказларда жойлаштирилганлиги;

асосий ахборот тизимлари ва улар жойлашган жойдан 5 километрдан яқин бўлмаган жойда захира ахборот тизимлари ташкил этилганлиги;

архивлаш, антивирус, виртуал тармоқ, тармоқ муҳофазаси, мониторинг, тажовузларни аниқлаш, идентификация, назорат қилиш ва бошқа қўлланиладиган ахборот хавфсизлиги тизимлари мавжудлиги;

тунги вақтда кўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозлаши.

Тўлов тизими операторларида PCI DSS стандартларига риоя этилиши бўйича сертификат бўлиши керак. Агар ушбу сертификатлар лицензия олиш учун хужжат топшириш вақтида мавжуд бўлмаса, банк карталарига доир ахборотларга ишлов бериш фаолияти бошлангунга қадар тақдим этилиши керак.

20. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти операцион таваккалчиликни баҳолаш ҳамда операцияларнинг таъсирини таҳлил қилиш асосида фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлаш режасини ва захира режаларини ишлаб чиқиши ҳамда Марказий банкка тақдим этиши керак.

21. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти фаолияти узлуксизлиги-ни таъминлаш режаси қўйидагилардан иборат бўлиши керак:

фаолиятнинг узлуксиз ишлашини таъминловчи тартибларнинг тавсифи;

фаолиятнинг узлуксиз ишлаши учун зарур бўлган ресурслар тўғрисидаги янгиланган маълумотлар;

режани амалга ошириш учун масъул бўлган гурӯҳ аъзолари, уларнинг вазифалари ва мажбуриятлари, ички ва ташқи алоқа каналлари бўйича янгиланган маълумотлар;

фаолиятга ташқи омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш;

узилишлардан кейин тизимни қайта тиклаш учун маълумотларнинг нусхаларини захирага олиш тартиби;

тизим фаолиятининг ишдан чиқиши ва бузилишлар содир бўлганда, амалга ошириладиган харакатлар режаси;

фаолиятни стресс тестдан ўтказиш даврийлиги ва усули;

тўлов хизматларини кўрсатиш тўхтатилганда, тугалланмаган тўлов операцияларининг бажарилишини таъминлаш ва мавжуд шартномаларнинг бекор қилиниши ҳолларида кўриладиган чора-тадбирлар тавсифи.

Захира режалар фавқулодда ҳодисалар юз берганда, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг аппарат дастурий мажмуалари, ходимлари ҳамда аутсорсинга топширилган хизматларнинг ҳаракати билан боғлик жараёнларни ўз ичига олиши зарур.

8-боб. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

22. Банклар тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банкка лицензия олиш тўғрисида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ электрон ёки ёзма шаклдаги аризани тақдим этади ҳамда аризага қўйидаги ҳужжатларни илова қиласди:

банк бошқарувининг тўлов тизимини ташкил этиш ҳақидаги қарорининг кўчирма нусхаси;

яқин икки календарь йил учун тўлов тизимини ривожлантиришга доир бизнес-режа, унда тўлов тизимини ташкил этишнинг мақсадлари ва режалаштирилаётган натижалари, шу жумладан бозор ва инфратузилма омилларининг таҳлили кўрсатилади;

тўлов тизимининг қоидалари.

23. Банк ҳисобланмайдиган лицензия даъвогари тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банкка мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ электрон ёки ёзма шаклдаги лицензия олиш тўғрисидаги аризани тақдим этади ҳамда аризага қўйидагиларни илова қиласди:

мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги лицензия даъвогарининг муассислари (иштирокчилари ёки акциядорлари) ҳақидаги маълумотлар;

Марказий банк томонидан лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун ўйфим киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лицензия даъвогарининг бухгалтерия баланси ва охирги ҳисобот санаси-га доир молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

лицензия даъвогарининг ижро органлари раҳбарлари ва аъзолари тўғри-сидаги ахборот;

мазкур Низомнинг 28-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлган бизнес-режа;

таваккалчиликларни бошқариш тизими тўғрисидаги, шу жумладан ми-жозларнинг пул маблағлари бут сақланишини таъминлашга доир талаблар ҳақидаги маълумотлар;

хавфсизлик тизимлари, назорат механизmlари ҳамда тизимлари тўғриси-даги маълумотлар;

хавфсизлик сиёсати ҳақидаги, шу жумладан таваккалчиликларни батаф-сил баҳолашни ўз ичига олган хужжат, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва тўлов хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун таваккалчиликларни, шу жумладан фирибгарлик ҳамда маҳфий ва шахсга доир маълумотлардан қонунга зид равишда фойдаланиш хавфларини камай-тириш бўйича кўриладиган чораларнинг тавсифи;

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризм-ни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялашти-ришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлаш чораларнинг тавсифи.

24. Марказий банк томонидан лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиқсанлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

25. Банк ҳисобланмайдиган лицензия даъвогари тўлов тизими опе-ратори фаолиятини амалга ошириш учун мазкур Низомнинг 23-бандида назарда тутилган хужжатларга қўшимча равиша қўйидагиларни илова қилиши керак:

юридик шахс ваколатли органининг тўлов тизимини ташкил этиш тўғри-сидаги қарорининг кўчирма нусхаси;

тўлов тизимининг қоидалари;

банкнинг тўлов тизими ҳисоб-китоб банки бўлишга ёзма розилиги (шарт-нома нусхаси).

26. Лицензия даъвогари тўлов ташкилоти фаолиятини амалга оши-риш учун мазкур Низомнинг 23-бандида назарда тутилган хужжатларга қўшимча равиша тўлов ташкилотининг тўлов тизими оператори ва ишти-рокчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини ҳам илова қилиши керак.

27. Банкнинг тўлов тизими операторининг ҳисоб-китоб банки бўлишга ёзма розилигига (шартнома нусхасида) қўйидагилар кўрсатилиши керак:

бошқа ҳисоб-китоб банкларининг ҳисобварақларига тўловларни амалга ошириш режаси;

тўловларнинг якунланганлиги ва чақириб олинмаслиги ҳолатлари;

банк иш куни давомида фойдаланиладиган маблағлар миқдори;

тўлов фармойишларини чақириб олиш тартиби.

28. Лицензия даъвогари томонидан тақдим этиладиган бизнес-режада яқин икки календарь йил учун тўлов тизимини ривожлантириш, шу жумладан тўлов хизматлари соҳасидаги фаолиятни ташкил этишнинг мақсадлари ва режалаштирилаётган натижалари, тўлов хизматлари бозори ва инфратузилмасига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили кўрсатилиди. Бизнес-режада кўйидагилар назарда тутилади:

фаолиятнинг нормал ва барқарор ишлашини таъминлаш учун мавжуд тизим ҳамда жараёнлар, техник ва молиявий ресурслардан фойдаланишни назарда тутадиган ва бозор нархларига асосланган ҳисоб-китоблар, бунда икки йил давомида даромад ва харажатлар прогнози акс эттирилиши зарур;

амалга оширилиши режалаштирилаётган операциялар ҳажми ва қўймати, мижозлар сони, нархлар, транзакция бўйича маълумотлар, рентабелликнинг кутилаётган ўсиши каби асосий кўрсаткичларни ўз ичига олган фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисбот;

молиявий қарздорликлар ва асосий воситаларнинг таснифи;

устав капитал ҳақидаги маълумот, шу жумладан, устав капиталининг миқдори, таркиби, манбалари тўғрисидаги маълумот;

тўлов хизматлари бозоридаги ўрни, тўлов хизматлари фойдаланувчилари ва иштирокчилари доираси, хизмат кўрсатиш каналларидан фойдаланиш бўйича маркетинг режаси;

фаолиятни амалга ошириш учун техник воситалар ва зарур манбалар тавсифи, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ҳисоб-китоблар, бухгалтерия ва рўйхатга олиш тизимлари.

29. Лицензия даъвогари таваккалчиликларни бошқариш тизими тўғрисидаги, шу жумладан мижозларнинг пул маблағлари бут сақланишини таъминлашга доир талаблар ҳақидаги кўйидаги маълумотларни тақдим этиши керак:

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш ёки бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар тавсифи;

ички назорат функциялари, жумладан комплаенс назорат қилиш учун масъул бўлган шахс (шахслар) маълумотлари;

лицензия даъвогарининг аутсорсингга топшириладиган функцияларни кузатиш ва назорат қилиш усулининг тавсифи;

агент ва субагентларини мониторинг қилиш ва назорат қилиш тартибининг тавсифи.

30. Лицензия даъвогари томонидан тақдим этиладиган тўлов ташкилотининг тўлов тизими оператори ва иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибida қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

тўлов хизматларининг тавсифи;

тўлов ташкилотининг тўлов тизими оператори ва иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш схемаси;

кўрсатилган хизматлар бўйича пул маблағлари ҳаракати ва ҳисоб-китоб тартиби ҳамда схемаси;

лицензия даъвогарининг учинчи шахсларга аутсорсингга бериши мумкин бўлган фаолият турлари.

9-боб. Аризани кўриб чиқиш, лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

31. Марказий банк лицензия даъвогарининг аризасини барча зарур хужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичидаги кўриб чиқади ҳамда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

32. Марказий банк лицензия даъвогари томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлаш ҳамда лицензия даъвогарининг бино (офисларини) техник ва хавфсизлик шартларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида жойига чиқиб ўрганишлар ўтказиши ҳукуқига эга.

33. Марказий банк лицензия даъвогарига қўйидаги ҳолларда лицензия беришни рад этади:

лицензия даъвогари томонидан тегишли тарзда расмийлаштирилмаган хужжатлар тақдим этилганда;

лицензия даъвогари томонидан тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

лицензия даъвогари лицензия талабларига ва шартларига мувофиқ бўлмаганда.

34. Марказий банк мазкур Низомнинг 33-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар ариза ва тақдим этилган хужжатларда бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, уларни бартараф этиш учун лицензия даъвогарига муддат беради.

35. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома тақдим этилган хужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуслари, шунингдек лицензия даъвогари кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли хужжатларни кўриб чиқиш учун тақроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

36. Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда, лицензияни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

37. Ҳужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этимасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин тақроран тақдим этилган тақдирда, Марказий банк лицензияни беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда, лицензияни беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

38. Лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогари рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва даъвогар мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни тақроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади.

Лицензия даъвогари рад этиш сабабларини бартараф этишга ва хужжатларни тақроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат

лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ойдан кўп бўлмаслиги керак.

39. Лицензия даъвогари лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни тақроран кўриб чиқиш, лицензияни бериш ёхуд уни беришни рад этиш лицензия даъвогарини рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кундан ошмайдиган муддатда Марказий банк томонидан амалга оширилади. Лицензия даъвогарининг аризасини тақроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

40. Лицензияни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин лицензия даъвогари томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва Марказий банк томонидан умумий асосларда кўриб чиқиласди.

10-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва лицензияни чақириб олиш

41. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти лицензия бериш учун тақдим этган ҳужжатлардаги маълумотлар ўзгарган тақдирда, Марказий банкни бу ҳақда уч иш куни мобайнида ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор этиши шарт.

42. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотининг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш куни ичida Марказий банкка, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

43. Лицензия қайта расмийлаштирилгунинг қадар, тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширади.

Лицензия қайта расмийлаштирилаётганда Марказий банк лицензиялар реестрига тегишли ўзгартишлар киритади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш ҳамда бериш лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда Марказий банк томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштирганлик учун йиғим ундирилмайди.

44. Тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти Марказий банкнинг қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмасини бажармаган, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги конунчилик талабларини бузган тақдирда, Марказий банк лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунигача бўлган муддатда тўхтатиб туриши мумкин.

45. Марказий банкнинг лицензияни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори

тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотига қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай юборилади.

46. Марказий банк лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунигача бўлган муддатда тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти томонидан бартараф этилиши муддатини белгилаши шарт. Бунда, кўрсатилган муддат тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

47. Тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб турган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақида Марказий банкка ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Агар тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганидан кейин олти ойдан сўнг лицензиянинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида Марказий банкка ариза билан мурожаат этмаган бўлса, лицензия чақириб олинади.

48. Лицензияни тўхтатиб туриш ва чақириб олиш тўғрисидаги маълумот тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш куни ичida лицензиялар реестрига киритилиши керак.

49. Марказий банк лицензияни чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотига лицензияни чақириб олиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказади.

Марказий банк қўйидаги холларда тўлов тизимининг оператори ёки тўлов ташкилотининг лицензиясини чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли:

тўлов тизимининг оператори ёки тўлов ташкилоти лицензиясини чақириб олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда;

тўлов тизимининг оператори ёки тўлов ташкилоти тугатилганда — тугатилиш пайтидан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этилиши натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек қайта ташкил этилаётган тўлов тизими операторида янгитдан вужудга келган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилиши санасидаги фаолиятнинг лицензияланадиган айни бир турини амалга оширишга доир лицензия мавжуд бўлганда қўшиб юборилиши мустасно;

Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган талаблар тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан мунтазам равишда ёки бир марта қўполтарзда бузилганда;

тўлов тизимининг оператори ёки тўлов ташкилоти лицензия олинган кундан эътиборан бир йил давомида фаолиятни амалга оширганда ёки фаолияти олти ойдан ортиқ даврга тўхтатиб турилганда;

Марказий банкнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга зид эканлиги аниқланганда;

тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига таъсир кўрсатувчи қоидабузарликлар Марказий банкнинг биринчи кўрсатмаси юборилган кундан эътиборан уч ой мобайнида тўлов тизимининг оператори томонидан бартараф этилмагандা;

тўлов тизимининг оператори бўлган банкда банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чақириб олингандা.

50. Тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилотининг фаолияти уларнинг тўлов тизимлари ва тўлов хизматларини ишга тушириш бўйича барча тест синовлари якунланганидан сўнг ҳамда тўлов хизматларидан чекланмаган тарзда фойдаланиш таклиф қилинган вақтдан бошланган деб ҳисобланади.

11-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

51. Тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат Марказий банк томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

52. Марказий банк лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда ўз ваколатлари доирасида қўйидагиларга ҳақли:

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотларидан тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини талаб қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотлари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида юзага келадиган масалалар бўйича тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотларидан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотлари томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилотларидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда лицензияни чақириб олиш масаласи бўйича қарор чиқариш;

лицензиясиз тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти фаолияти амалга оширилаётганилиги тўғрисида аниқланган фактлар хақидаги маълумотларни белгиланган тартибда тегишли органларга қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун юбориш.

12-боб. Якуний қоидалар

53. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

54. Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятига рухсат беришга доир низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

55. Марказий банкнинг қарорлари устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов
ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

**Тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти фаолиятини
амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги
АРИЗА**

Куйидаги реквизитлар билан тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия беринингизни сўраймиз:

1. Тўлиқ фирма номи: _____
2. Жойлашган жойи: _____

3. Муассислар томонидан тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш юзасидан уларнинг манфаатларини Марказий банкда ифода этиш учун ваколат берилган шахс(ларнинг) маълумотлари:

Ф.И.О.: _____

Телефон: _____

Почта манзили: _____

Электрон почта манзили: _____

4. Аризада илова қилинган ҳужжатлар рўйхати _____варақда (ҳужжатлар тикилган, рақамланган, имзоланган ва тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим)

- 1) _____
- 2) _____
- 3) _____

5. Тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия даъвогари томонидан мазкур Низомнинг 15-бандидаги амалга оширилиши режалаштирилган тўлов хизматлари турлари:

- 1) _____
- 2) _____
- 3) _____

_____ (ташкилот номи) «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонун ва лицензия талаблари ва қоидаларига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун муассислар (иштирокчилар ёки акциядорлар) жавобгар хисобланади.

Ваколатли шахснинг Ф.И.О.: _____

(имзо)

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини химоя қилиш қўмитасининг 2023 йил 10 апрелдаги 03/15-05/01-сон ва Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 6 апрелдаги 16-сон «Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 3 майдадан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2038-6.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi direktorining 2023-yil 13-apreldagi 29-mb-son “Yuridik shaxslarni hisobga olish va identifikasiya qilishni avtomatlashtirilgan axborot tizimi “Reg-system”da ishlash tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomani tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar va qo‘srimcha kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2023-yil 3-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2594-3.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 18 апрелдаги 14-сон ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 17 апрелдаги 8-сон «Реабилитация ва мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 4 майдадан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1050-3.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 29 апрелдаги 9-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруфи.

2023 йил 4 майдадан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3315-1.

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 29 апрелдаги 10-сон «Дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруфи.

2023 йил 4 майдадан рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3430.

6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 28 мартағи 5-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчи-ларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги буйруғи.

2023 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2634-4.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 18 апрелдаги 8/3-сон «Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.

2023 йил 5 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3431.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 9 июлдаги 4 ва 4-сон «Реабилитация ва мастилик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1050, 2001 йил 18 июль), шунингдек, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1050-1, 2017 йил 26 июль), (рўйхат рақами 1050-2, 2020 йил 21 декабрь).

2023 йил 4 майда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 12 июлдаги 8-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3315, 2021 йил 30 июль).

2023 йил 4 майда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.